Ушбу сонда:
2 «ИШОНЧ» ФОШ ЭТАДИ
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАДА
4 Дўст ачитиб гапиради АВАРИЯ ҲОЛАТИДАГИ МАКТАБ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2004 йил 12 октябр, сешанба № 163 (1796)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ШРЕДЕР ТЕРМИЗДА ТЎХТАБ ЎТДИ

***Покистон ва Афғонистон сафаридан қайтаётган Германия федерал канцлери Герхард Шредер 11 октябрь куни Термизда тўхтаб ўтди. Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.***

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, терроризм ва наркобизнесга қарши курашишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

- Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилишга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашишга қаратилган қатъий сиёсатини қадрлаймиз, - деди Г.Шредер.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ***ФАРМОНИ***

## Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида

***Республика ҳудудида барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташиш ишларини мақбул ҳолга келтириш, самарадорлигини ошириш ҳамда оқилона ташкил этиш, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш ва барқарор ишлашини таъминлаш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида:***

1. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтойўл» ДАК, транспорт коммуникациялари қурилиши билан шуғулланувчи республика лойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

барча транспорт турлари - темир йўл, ҳаво, автомобил ва дарё транспортининг транспорт тузилмалари фаолиятини мақбул ҳолга келтириш, республика ҳудуди ва унинг ташқарисида юклар ҳамда йўловчилар ташиш самарадорлиги ва мақбуллигини таъминлашга қаратилган ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг юк ва йўловчилар ташиш соҳасида муттасил ортиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда республиканинг Ягона туташ транспорт тизимини истиқболда ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш;

транспорт тармоғини ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал суръатлар билан барпо этиш, уларнинг юк ва йўловчилар ташиш имкониятини ошириш ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

транспорт коммуникациялари ҳамда иншоотлари қуриш ва уларни реконструкциялаш, транспорт воситаларини янгилаш ва модернизациялаш учун инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, шунингдек инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича таклифларни халқаро ташкилотлар ва тузилмалар, хорижий мамлакатлар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, халқаро юк ташувчиларга Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб транзит юклар ташишни кўпайтиришлари учун шарт-шароитлар яратиш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида хорижий давлатлар билан мустаҳкам, ўзаро манфаатли ва самарали алоқалар ўрнатиш;

транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифода этиш;

республика транспорт тизими фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлигини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 11 октябр



Моҳир тикувчи Махфират Янгелдиева номи «Шовоттекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари орасида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Боиси у замонавий технологияни моҳирлик билан бошқариб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Махфират яхши ишлаш билан бирга лаёқатли шогирдлар тайёрлаш, меҳнат унумдорлигини оширишга оид қимматли таклифларни илгари сурмоқда.

**Суратда: ўз касбининг устаси М.Янгелдиева.**

*Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари*

## ОСТОНАДАН БОШЛАНАР ВАТАН

***«Маҳалла» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари, вилоят Оқсоқоллар Кенгаши раиси Абдували Сафаровнинг бир даҳиқа ҳам бўш вақти йўқ. Уни доимо одамлар орасида учратасиз. Шунинг учун оқсоқолни воҳанинг барча ҳудудларида яхши билишади ва эъзозлашади.***

Яқинда вилоят ҳокими, ҳоким ўринбосари, йирик корхона ва ташкилот бошлиқлари билан ҳамкорликда Қарши, Шаҳрисабз ва Косон шаҳарларидаги маҳаллаларда мулоқотлар ўтказилди. «Меҳр ва мурувват йили»да аҳолини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган давлат дастурининг ижроси кенг таҳлил қилиниб, камчиликлар рўй-рост айтилди.

- Асосий вазифамиз халқимизнинг удум ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга, фахрийлар, етим-есир ва ёлғиз қарияларга моддий ва маънавий кўмак бериш, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантириш, фуқаролар йиғинлари ишини мувофиқлаштиришдан иборат, - дейди жамғарма раиси биз билан суҳбатда. - «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунида ҳам маҳалла кенгашларининг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилган.

«Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили амалга оширилаётган мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари бажарадиган вазифалар фуқаролар йиғини зиммасига юклатилган. Вилоятдаги 538 та ўз-ўзини бошқариш органларидан 392 таси маҳалла қўмиталаридир. Қуйи бўғиннинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Маҳаллаларни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Йиғин раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига элда ҳурматли, ортидан одамлар эргашадиган ташаббускор ва ташкилотчи кишилар қўйилган.

Ўзининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий ва ҳамиша навқирон Насафда 62 та фуқаролар йиғинлари мавжуд. Маҳаллаларда ёшларни Ватанга садоқат, миллий ғурур ва ифтихор, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор оширилган.

«Бандлик» дастури асосида олиб борилаётган ишлар самара бераяпти. Шаҳарда аҳолини вақтинчалик иш билан таъминлаш маркази фаолият кўрсатаяпти. Ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликлари билан меҳнат шартномалари тузилиб, 60 мингдан ортиқ фуқаро пахта йиғим-теримига жалб қилинди ва бунинг орқасида оилалар 4 миллиард сўмдан ортиқ даромад олдилар.

Маҳалла шарқона демократиянинг тарихий синовларидан ўтган ўзига хос мактаби, ижтимоий адолатга таянган давлатнинг кучли фуқаролик жамиятининг асоси.

Воҳада маҳалладошларининг чинакам ҳурмати ва ишончини қозонган оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари анчагина. Қарши шаҳридаги «Рогузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайбулла Отабоев ана шундай фидоий инсонлардан бири. Хонадонлар, кўча-куйиларнинг озода ва батартиблиги учун экологик танловнинг республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритган маҳаллага 5,5 миллион сўм мукофот берилди.

Қарши шаҳридаги Хонтепа, Чақар, Косондаги Месит, Қарши туманидаги Қуйибешкент маҳалла оқсоқоллари Файзулла Маманов, Норгул Мустафоқулова, Мурод Бобоев, Робия Бобомуродова ва бошқа ўнлаб фаоллар ҳақида илиқ фикрларни билдириш мумкин. Шаҳрисабз туманидаги Тудамайдон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбар Эшонкулова «Дўстлик» ордени, Нишон туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Роҳат Пардаева «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар.

Маҳаллаларнинг ярмидан кўпи ўз гузарига эга. Уларда чойхона, новвойхона, қассобхона, савдо дўконлари, тўй ва маъракаларни ўтказиш зали, болалар спорт майдончалари ва бошқа маданий-маиший иншоотлар қурилган.

Маҳалла паспорти жорий қилинганлиги ва ҳудудда яшовчи ҳар бир киши ҳақида тўлиқ маълумотлар жамланганлиги тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилаяпти. Милиция профилактика инспекторлари, посбон ва ёшлардан иборат гуруҳлар навбатчиликда туриб, маҳаллага келиб-кетувчи нотаниш кишилар шахсини ўрганиб, тегишли чора кўришаяпти.

Воҳанинг Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб туманларидаги ҳақиқий аҳвол билан танишилганда, жузъий камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда Шаҳрисабздаги Тепарлик, Хўжамурод бахши номли маҳаллаларига 100 минг сўмдан ёрдам берилди. Иккита маҳалла гузари қурилди. «Номозгоҳ» маҳалласининг маъмурий биноси таъмирланди. Касби, Косон, Шаҳрисабз туманлари, Қарши шаҳри маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг номларига банкда ҳисоб рақамлари очдирилиб, пул қўйилди.

Моддий-техника базани мустаҳкамлашга эътибор оширилган. Ичимлик суви ва табиий газ тўловларидан тушган маблағнинг 10 фоизи «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказилиши, бу пулларни аҳолининг кам таъминланган қатламини рағбатлантиришга сарфлаш имконини бермоқда. Ғўзор туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидан «Маҳалла» жамғармаси учун 30 гектар ер ажратилиб, пахта етиштирилди. Ҳосил топширишдан олинган 8 миллион сўм соф фойда ходимларни ижтимоий ҳимоялашга ишлатилади.

Ишсизликни камайтиришни назарда тутиб уйда ўтирган хотин-қизлардан икки минг нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жалб қилинди. Қарши, Ғузор ва Чироқчи туманларида мингдан ортиқ хотин-қизга микрозаёмлар орқали имтиёзли кредитлар берилди.

Оилалар турмуш фаровонлигини кўтариш мақсадида 2004 - 2006 йилларда кам таъминланган аҳоли қатламларининг барқарор даромад манбаларини шакллантириш концепцияси ва манзилли дастури ишлаб чиқилди. Вилоят ҳокими қарорига мувофиқ тоғ, тоғолди ва лалмикор ҳудудларда 13 мингга яқин деҳқон хўжаликлари тузилди. Жорий йил охиригача уларнинг сони 2 минг 400 тага етказилиб, 1,9 минг гектар қўшимча ер ажратилади. Кейинги икки йил мобайнида деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиш орқали кам таъминланган оила аъзолари доимий иш жойи ва меҳнат даромади билан таъминланади.

Оилалар тиббий маданиятини шакллантириш ва аёллар, ўсмир қизлар репродуктив соғлиғини мустаҳкамлаш учун республика Саломатлик институтининг Қарши филиали ходимлари билан ҳамжиҳатликда маҳаллаларда суҳбат ва мулоқотлар ўтказилди.

Корхона ва ташкилот раҳбарлари аҳолининг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам кўрсатишаяпти. Қарши шаҳридаги «Чақар» маҳалласида ҳомийлар кўмаги билан замонавий гузар, «Ёшлар маркази» қад кўтарди. Косондаги «Месим» маҳалласида тадбиркор Чори Ҳақбердиев ташаббуси билан болалар боғчаси қуриб битказилди. Қаршилик ишбилармон Ўткир Эркаев «Гулшан» маҳалласи ёшлари учун замонавий спорт мажмуаси қуриб берди.

Ижтимоий ҳимоя доимий эътиборда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ўзгалар парваришига муҳтож оилаларга ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Кексаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Даромади кам оила ўғилларининг суннат тўйи ўтказилди.

«Рогузар» маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳусановлар оиласига телевизор берилди. Китоб туманида яшовчи бемор Нафиса Эргашеванинг даволаниши учун маблағ ажратилди.

Ходимларни ўқитиш, малакасини оширишни кўзда тутиб бўлим қошида «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази иш бошлади. Фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг котиблари ва посбонлари, илмий-маърифий ҳамда диний масалалар бўйича маслаҳатчилардан 12 минг нафари машғулотларда қатнашади. Бундан ташқари «Маҳалла муруввати», масъулияти чекланган жамияти, «Маҳаллақурилиштаъмирхизмат» уюшмасида ишлаб топилган маблағ ҳисобидан кам таъминланганлар ижтимоий муҳофазаланади, ички йўллар ва уй-жойлар бепул таъмирлаб берилди.

«Маҳалла - оила - мактаб» концепцияси изчиллик билан амалга ошириляпти. Ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни камайтириш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар кучайтирилмоқда. Таълим тизимида кўп йиллар ишлаган 150 нафар ўқитувчига банкда ҳисоб рақами очилиб, ҳомий ташкилотлар ҳисобидан ҳар бирига 100 минг сўмдан пул қўйилди. Қарши шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Ирина Турсункулова, Китоб туманидаги 2-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Фотима Нуритдинова Халқаро Тинчлик корпусининг АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, Америка Қўшма Штатларида билим олишаяпти. Оилавий спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказиб борилиши спортнинг оммавийлашувига олиб келди.

Тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қимматли. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 15 дан зиёд нодавлат, нотижорат ташкилотлари, «Авлод», «Умид» марказлари вакиллари иштирокида ўтказилган хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар одамларда катта таассурот қолдирди. Хорижий жамғармалар ёрдами билан Косоннинг Гувалак, Деҳқонободнинг Оқработ, Яккабоғнинг Чайдари каби қишлоқ ва маҳаллаларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш анча яхшиланди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Сирдарёдаги ногирон болалар учун 71-махсус мактаб-интернатда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 140 дан ортиқ тарбияланувчи таълим олмоқда.

- Бу ердаги болаларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаяпти,- дейди мактаб-интернат директори Абдураҳмон Кенгашев. - Бу борада бизга турли корхона, ташкилот ва муассасалар ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Жорий йил бошидан буён кўрсатилган ёрдам қарийб 30 миллион сўмни ташкил этди.

## ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИ

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари ўқув йили бошида ҳамма болаларни зарур мактаб анжомлари ва китоблар билан таъминлади. Вилоят ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, йўл қурувчилар спорт зали ва майдончалари учун ускуналар, анжомлар ҳамда кийимларни сотиб олди. Болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муаммо йўқ. Ҳомийлар саъй-ҳаракати билан 18 та синф хонаси, 140 ўринли ётоқхона, ошхона сифатли таъмирланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ХАЛҚАРО САЙЛОВ АНДОЗАЛАРИ

***Мамлакатимиз ҳозирги замон сайлов ҳуқуқи халқ ҳокимиятини яққол намоён қиладиган муҳим конституциявий институтдир. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги эркин демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро сайлов андозалари мажмуини ташкил этувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасида таъкидланганидек, юртимизда "халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги" тан олинади.***

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзуси нуфузли халқаро ташкилотлар жиддий шуғулланадиган масалага айланди. Ҳозирги пайтда дунёда инсоннинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасига доир 20 дан зиёд халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Сайлов ҳуқуқи соҳасига тааллуқли принциплар ва андозалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қанча халқаро универсал ҳужжатларида, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил) 21-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (1966 йил) 25-моддасида, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро конвенциянинг 5-моддасида, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида БМТ декларациясининг (1963 йил) 6-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлат ҳокимияти вакиллик органига сайлов масалаларига ўзида 145 давлат парламентларини бирлаштирган ва, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо ҳисобланувчи Парламентлараро иттифоқ айниқса катта эътибор қаратади. 1994 йили Парламентлараро иттифоқ Кенгаши "Эркин ва адолатли сайлов принциплари тўғрисидаги декларация"ни қабул қилди. Ушбу Декларация барча мамлакатлар ҳукуматлари ва парламентларини мазкур ҳужжатда белгиланган сайлов ҳуқуқи соҳасига доир халқаро принциплар ва нормаларга амал қилишга даъват этади.

**(Давоми 3-бетда)**

*Меҳнат муҳофазаси*

## ЛОҚАЙДЛИК — ҚАЛБ ФАЛАЖИ

***Рўзимат Оллаберганов 1999 йили Урганч «Сантехгазмонтаж» масъулияти чекланган жамиятга газ пайвандловчи бўлиб ишга қабул қилинди. Иш орасида уни номигагина меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқдан ўтказиб қўйишди.***

Шу йилнинг ўрталарида жамият ишчи-хизматчилари Урганч шаҳрида қурилаётган Академик лицей қурилишига жалб қилиндилар. Фожеа ана шу қурилишда содир бўлди. Генератор газ камерасининг ёрилиб кетиши туфайли Р.Оллаберганов қаттиқ жароҳат олиб, ҳаётдан кўз юмди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг давлат техника инспектори Р.Жабборов бошлиқ гуруҳ томонидан фожеанинг келиб чиқишига асосан марҳумнинг ўзи, қисман чилангар монтажчи Р.Болтаев ва иш юритувчи Мақсуд Назаровлар айбдор деб топилди. Жабрланувчи Р.Оллабергановнинг турмуш ўртоғига олти йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида нафақа тўланди. Меҳнатга лаёқатсиз болаларига ойлик нафақа белгиланди. Бироқ Онабиби умрбод ёстиқдошидан, фарзандлар ота меҳридан бенасиб қолди.

Хўш, фожеанинг олдини олиш мумкин эдими? Мумкин эди. Зеро, масалага теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, бунга сабабчи бошқа бир омиллар ҳам борлиги маълум бўлади. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида «Ходимлар сони 50 нафардан ошган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади, лавозимлар жорий қилинади» дейилган. Ажабки, 80 нафар ишчи-хизматчи ишлаётган ушбу жамоада меҳнат муҳофазаси билан шуғулланадиган муҳандис штати жорий қилинмаган. Бу ўта муҳим вазифа қонунга хилоф равишда бош муҳандис Одилбек Янгибоев зиммасига юклатилган.

Маълумки, корхоналарда ҳар бир иш шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Буни тўла бажариш, жумладан, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил қилиш ҳамда назорат натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юклатилган.

Бундан ташқари, маъмурият билан ходимларнинг бу борадаги ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаларида кўзда тутилиши, унга кўра ҳар бир корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига етарли даражада маблағ ажратилиши шарт. Ушбу маблағлар ишчи-хизматчиларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш, махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари, сут ва унга тенглаштирилган озиқ-овқат кабилар билан таъминлашга сарфланиши лозим. Лекин бу талабларнинг деярли барчаси корхонада бажарилмаган.

Бу жамият раҳбари А.Утековни меҳнат муҳофазасини иккинчи даражали иш, деб билишини кўрсатмайдими? Шундай экан, нега нуфузли гуруҳ «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларини бажармаган жамият директори Аҳмад Утековни фожеада айбли деб топмади?

Р.Оллабергановнинг ўлими муносабати билан вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ишлари бўйича бош мутахассиси М.Ишматов томонидан бахтсиз ҳодиса сабаблари ўрганилганида, жамоада Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари ҳам бузилаётгани, ишчиларга март ойидан буён маош берилмаётгани, иш ҳақидан қарздорлик 14,8 миллион сўмни ташкил этиши аниқланди. Бу ёғига хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Зотан, қонун талабларига риоя қилинмаётган меҳнат жамоасида яна кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермайди, деб ким кафолат бера олади.

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





Самарқанд туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги сертармоқ хўжаликлардан ҳисобланади. Далаларида ғалла, пахта, макка, соя, сабзавот ва помидор етиштирилса, чорва фермаларида зотли моллар парваришланяпти.

Таъкидлаш керакки, чорва фермаларида етиштирилаётган маҳсулотлар биринчи навбатда болалар боғчалари ва шифохоналарга жўнатилмоқда.

- Жорий йилда хўжалигимиздан 180 миллион сўм даромад кутилмоқда, шундан 37 миллион сўм соф фойдадир. - дейди «Гулистон» ширкат хўжалиги раҳбари Абдуҳаким Ҳакимов. - Шунинг ҳисобидан ҳудудимиздаги 10 километр йўл таъмирланиб, 14-ва 15-мактаблар тоза ичимлик суви билан таъминланади.

**Суратларда: боғбон Нодира Олимова; пудратчи соҳибкор Ҳикоят Васиева.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

*Таҳририятга хат*

# САҲРОДАГИ МЎЪЖИЗА

***Қўнғирот мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси. Табиий бойликларга сероб бу туман Қорақалпоғистоннинг салкам 48 фоиз ҳудудини эгаллайди.***

***Бепоён Устюрт саҳроси қаърида улкан нефт ва газ денгизи мавжланиб турибди, кўп миқдордаги фойдали қазилмалар захираси жой олган. Оролбўйининг ушбу минтақаси бугунги кунга келиб катта қурилиш майдонига айланган. Марказий Осиёда ягона сода заводи, Қўнғирот-Бейнов автомагистрали қурилишининг иккинчи босқичи давом этмоқда. Хорижий мамлакатларга олиб борадиган темирйўллар, қурилиш ҳавзаларию, «Ийчиликгаз» қўшма корхонасида ҳаёт қайнайди. Далаларда пахтадан юксак хирмон бунёд этилаяпти.***

Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини юксалтириш, кенг кўламдаги хусусийлаштиришни амалга ошириш, халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган.

Устюрт кенгликларига кириб борар экансиз, олисда Элобод шаҳарчасининг баланд бинолари кўзга ташланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 майдаги «Қўнғирот сода заводи қурилишини битказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг зарбдор иншоотда ишлар жадаллашиб кетди. Хитой Халқ республикасининг «Ситек» компанияси билан ҳамкорликда қиймати 32,3 миллион АҚШ долларидан иборат лойиҳа амалга оширилаяпти. Келгусида йилига 100 минг тонна калцийлаштирилган сода ишлаб чиқарувчи заводни бунёд этишда юзлаб техника ва малакали қурувчилар қатнашмоқдалар.

Қисқа муддатда автокорхона, таъмирлаш механика устахонаси, қозонхона, ўт ўчириш пости, темир-бетон ишлаб чиқариш цехи ва ички коммунал инженерлик тармоқлари қурилди. Жорий йилда 16 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун иш олиб бораётган бунёдкорлар лойиҳа қиймати 250 миллион АҚШ долларига тенг улкан корхонани тезроқ фойдаланишга топшириш пайида. Туз эритиш ва сақлаш бўлими, сув айланиш станцияси, очиқ ва ёпиқ омборлар, техник сув билан таъмирлаш маркази, об-ҳаётни тозалаш ва чучуклаштириш қурилмаси, суюқ амиак сақлаш, абсорблаштириш, дистрлаштириш, корбонлаштириш, филтрлаштириш иншоотлари битказилди.

Умумий майдони минг квадрат километр, захираси 105 миллиард тоннадан ортиқ «Борса-келмас» туз конида ётоқхона, қозонхона, техника парки, ёқилғи-мойлаш шохобчалари, чиқинди сувларни тозалаш иншооти ва ички инженерлик коммунал-маиший тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Чўл бағридаги Элобод шаҳарчасида 20 га яқин кўп қаватли турар-жойлар, ҳар бири 96 ўринли 6 та ётоқхона, 250 ўринли ошхона, 50 ўринли кафе, 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси, маданият саройи, даволаш-профилактика ва савдо марказлари, дўконлар, новвойхона, ҳаммом, автомат телефон станцияси ва бошқа бинолар қад кўтарди. 17 гектар майдонда мевазор боғ барпо этилди.

Завод қурилишида Жайилхон Раҳматов, Бердибек Ғофуров, Руслан Жакишев каби қўлигул қурувчиларнинг ҳиссаси катта. Нагашбой оға Кўпайсинов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида республика Президентининг Фармонига асосан «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Қўнғирот шаҳрида газ конденсатини қайта ишловчи «Россия-Ўзбекистон» қўшма корхонаси ишга туширилди. Бу ерда конденсатни қайта ишлаш орқали «АЖ-76» русумли бензин, дизел ёқилғиси ва техник керосин ишлаб чиқарилаяпти. Ҳозирги пайтда бир кеча-кундузда 200 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланаётган бўлса, келгусида бу кўрсаткич 500 тоннага етказилади. Яна бир қулай томони бир тонна дизел ёқилғиси маҳаллий деҳқон-фермер хўжаликларига анча арзон – 167 минг сўмга сотилаяпти.

Далаларда ҳар йилгидан кўп ҳосил етиштирилди. Акциядорлик жамиятимиз мавсумга барвақт тайёрланганлиги учун ҳам қабул қилинган пахта хомашёси пешма-пеш қайта ишланаяпти.

Бир неча бор халқаро сифат марказининг олтин нишонини олган корхонада меҳнат авжида. Цехлар тўла қувват билан ишлаяпти. Бозорбой Шодирбоев, Турабой Қўрбонбоев, Шайдагул Аметова, Тожиддин Дилмахамметов сингари ишчилар ҳар бир юмушни сидқидилдан адо этишаяпти.

Бир томони Қозоғистон давлати билан туташиб кетган бепоён далаларда пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга дон ва пахта сотиш шартнома режаси ошириб бажарилди. Улкан хирмонга Ажиниёз номли «Хоразм», «Равшан» ширкат хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Ижтимоий инфратузилма ривожланмоқда. Жорий йилда 14 минг квадрат метр турар-жой, 24 та савдо дўкони, ҳар бири 50 ўринли 2 та умумий овқатланиш шохобчаси, 4 километр газ ва 1 километр ичимлик сув тармоқлари қуриб битказилди. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси томонидан 100 ўринли санаторий-профилакторий, Уст-юрт геология-қидирув бошқармаси ташаббуси билан 8 та оилага мўлжалланган уй-жой фойдаланишга топширилди. Қўнғирот-Бейнов автомагистралининг 15 километри битказилиб, қарийб 700 миллион сўмлик иш бажарилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга оширилаяпти. Тумандаги 56 та умумтаълим мактаби ва 25 та болалар боғчасида 2,5 мингга яқин педагог-тарбиячилар ёшларни ақлий баркамол, жисмоний соғлом қилиб вояга етказишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Оролбўйида юзага келган демографик шароитни ҳисобга олган ҳолда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Марказий касалхона, темирйўлчилар шифохонаси, туғруқ мажмуаси, тери ва сил касалликлари диспансери, 3 та шифохона, 26 та фельдшер-акушерлик пункти, 6 та овул врачлик маскани ва 1 та қишлоқ касалхонаси фуқаролар хизматида.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва фахрийларга ғамхўрлик кучайтирилган. 108 нафар ёлғиз қарияга 17 та ижтимоий таъминот ходими бириктилган. Ҳомийлар томонидан муҳтожларга 21 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

«Мустақиллик» фермер хўжалиги бошлиғи Қувватбой Отековнинг ҳикоя қилишича, бултур пахта ва ғалла етиштиришдан 15 миллион сўм даромад олинган бўлса, жорий йилда бу рақам 20 миллион сўмга етказилади. Кичик жамоа ҳиммат кўрсатиб, овулдаги 10-ўрта мактабни таъмирдан чиқариб берди.

Савдо дўконларида бўлсангиз янги буғдой унидан тайёрланган бўрсилдоқ нонларни учратасиз. Инсоннинг севимли таоми ҳисобланган бундай сифатли нонни «Қўнғирот ун заводи» тайёрлаб бермоқда.

**И.ЭЛБЎСИНОВ, етакчи мутахассис**

*Касаба уюшма фаоллари*

# УМР МАЗМУНИ

Бахтиёр эрталаб дадаси ҳузурига кирди. Абдушариф ота нонушта қилаётганди. Ўғил салом бергач, падари бузкурвори кўрсатган столга бориб ўтирди.

– Тинчликми ўғлим,– сўради ота.

– Мени янги ишга тавсия қилишяпти. Кеча чақириб Автотранспорт йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасига раислик қилсангиз, деб қолишди.

Касаба уюшмалари халққа энг яқин ташкилот. Кимгадир ёрдаминг тегиб яшашдан ортиқ бахт йўқ. Мен ҳам ўн уч йил вилоятдаги энг йирик ташкилотлардан бирининг касаба уюшма ташкилотига раҳбарлик қилганман.

Абдушариф отадан нафақат ўғил ва қариндошлари, балки маҳалласидаги катта-кичик ҳам тез-тез маслаҳат сўраб туришади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп ва хўп татиган. Узоқ йиллар элга бошчилик қилган Ота айни пайтда 83 ёшга кирган бўлсада, ҳали бақувват. Уни гоҳ томорқасида ишлаб юрганида, гоҳ маҳаллада кимнидир муаммоси билан юрган пайтда учратасиз.

У 1938 йили педагогика билим юртини тугатиб, иш фаолиятини ёш авлодга таълим-тарбия беришдан бошлаган.

Урушдан кейинги йиллари А.Иброҳимов вилоят ҳаётининг қайноқ жабҳасида меҳнат қилди. Урганч ва Хива шаҳарлари Қўшкўпир, Ҳазорасп туманларида юқори лавозимларда ишлади

Хоразм сув қурилиш ташкилотлари трести касаба уюшма қўмитасига раис қилиб сайлашди. Ниҳоятда қисқа давр мобайнида 8 та туманда 8 та хўжалик ташкил қилинди. Энг муҳими, улар саҳро ва чўллар ўрнида барпо қилинди. Айни пайтда бу хўжаликлар ширкатларга айланиб, янги қишлоқлар пайдо бўлган. Юз минглаб аҳоли иш, турар-жой билан таъминланди.

– Ёппасига давлат хўжаликлари ташкил қилинаётган пайт. Эски «ГАЗ-69» машина билан ишчилар ҳолидан хабар олишга кетардим. Раҳбарлардан ишчиларга шароитлар яратиб беришни талаб қилардим. Ҳафталаб уйга келмасдан қурувчилар ёнида қолиб кетардим, – дея эслайди отахон ўша даврларни.

Абдушариф ота мукаммал бахтга эга бўлди. Уни Қурвонжон опа билан кечган ҳаёти ниҳоятда ибратли. Улар етти нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Фарзандлар ҳаётда ўзларининг ўринларини топишди.

– Маҳаллада оилангиз ҳақида ҳавас билан гапиришади. Тотувлик, тетикликни, бундай эъзоз, эътиборни боиси нимада, – сўрадим отахондан.

– Бунинг боиси ҳаётда ўз ўрнини тўғри белгилаш, бурчини шараф билан уддалашда, барча билан тил топа билишда. Кечиримли бўлишда, дўстлар даврасини кенгайтиришда. Энг катта бахт саломатлик, маънавий баркамоллик, одамларга нафинг тегишини, фарзандлар хайрли ишларни давом эттираётганини ҳис қилиб яшашдадир, – жавоб берди Абдушариф ота Иброҳимов.

**Э.ЭРКИНОВ**

*Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

# ҚАДРДОН КОРХОНАДАН ЙЎҚЛАШИБДИ

***Ижтимоий шерикчилик тамойилларини давр талаби даражасида амалга ошириш касаба уюшмаларининг бош вазифасидир. Буни ҳис қилган Наманган вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ва бошланғич ташкилотлар жамоа шартномалари, ҳудудий келишувларни тузиш ҳамда унинг якунини чиқаришга масъулият билан ёндошмоқдалар. Буни Наманган электр тармоқлари очиқ акционерлик жамияти мисолида кўриб, ишонч ҳосил қилиш мумкин.***

Нуриддин ака ўттиз беш йил нурчилик қилди. Белига электро-монтерлик тасмасини боғлаб шунча вақт ишлашнинг ўзи бўлмайди. Кузнинг изғирин шамолларида, қирчиллама қиш чилласию, серёмғир баҳор кунлари дейсизми, симёғочнинг энг тепасида кўриш мумкин эди. Шу боисдан Нуриддин акани Наманган шаҳри аҳолисининг кўпчилиги танийди ва ҳурмат қилади. Лекин вақт ўз таъсирини ўтказмасдан қўймас экан. Энди Нуриддин Ғаниев олдингидек симёғочга эпчиллик билан чиқиб кета олмайди ва худди ўттиз ёки қирқ ёш вақтларидагидек юқори кучланишли темир узаткичлардаги монтаж ишларида ёки нуқсонни бартараф этиш мусобақаларида иштирок этишга қодир эмас. Шунинг учун Н.Ғаниев ишлаётган ташкилот ва касаба уюшма нурчини қўллаб-қувватлаш чорасини кўрди. У жамият қошидаги шифохонада бир неча бор муолажа олди. Лекин кутилганчалик соғаймади. Шундан сўнг шифокорлар унга жамиятга қарашли Чуст туманининг Ғова қишлоғида жойлашган «Нурчи» дам олиш уйига бориб муолажа олишга маслаҳат беришди. Лекин йўлланма масаласи нима бўлади? Оиласи жўжабирдек жон, ўтган йилда Чортоқ сиҳатгоҳига борган.

– Бу томонидан хавотирланманг, - унга тасалли беришди касаба уюшмадагилар. - Ёрдам қиламиз. Ҳам дам оласиз, ҳам даволанасиз. Хуллас, Нуриддин ака «Нурчи»да ўзидаги ўзгаришни яққол сезди. Ҳаракат тизимидаги ва узлуксиз бош оғриқлари йўқолди.

Биз мазкур акциядорлик жамиятида маъмурият ва касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномасининг фақат биргина ходимга келтирган нафи бўйича сўз юритдик, холос. Бу сингари ўнлаб мисолларни келтирса бўлади. Бу ҳуқуқий ҳужжатда ходимларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча меҳнат таътили бериш, сидқидилдан ишлаётган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ишга келиб-кетиш учун бепул транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш сингари қулайликлар ўз аксни топган ва улар амалда бажариб келинмоқда. Касаба уюшма қўмитаси томонидан ушбу шартномада, айниқса, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ишловчиларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, талаб даражасида турмуш кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш каби масалалар ҳам алоҳида эътиборга олинган. Корхона қошидаги 100 ўринли шифохонада малакали мутахассислар фаолият кўрсатишади. Шифохона энг замонавий тиббиёт воситалари билан таъминланган. Ҳар йили бу ерда юзлаб нурчилар ва уларнинг оила аъзолари ўз дардларига шифо топиб кетишади.

«Нурчи» дам олиш ва даволаниш уйи ҳам ана шу мақсад йўлига хизмат қилади. Шу билан бир қаторда бу ерда ёз ойларида болалар оромгоҳи фаолият кўрсатади. Амалдаги йилда бу ерда 500 га яқин жамият тармоқларида ишловчиларнинг фарзандлари ёзги таътилини мароқли ўтказдилар. Шунингдек, корхона ишчи-хизматчилари учун Наманган шаҳрида алоҳида болалар боғчаси ишлаб турибди. Бундан ташқари, агар ходимни ёки унинг фарзанди энергетика соҳаси бўйича ўқиётган бўлса, шартнома бўйича тўловини корхона ҳисобидан қоплаш мажбурияти ҳам жамоа шартномасига киритилган.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири**

# ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛГАЧ

***Булунғур туманида "АРТО-Булунғур" Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади.***

Қўшма корхона қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда турли хилдаги мусалласлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхонада ўттиздан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш эвазига янги ишчи ўринларини яратиш режалаштирилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

*Ислоҳот инсон учун*

# ҚИШЛОҚ УЧАСТКА ШИФОХОНАСИ

**Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тиббиёт соҳасида ҳам ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Шифохона ва соғломлаштириш масканлари фаолиятининг тобора яхшиланиб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.**

Хусусан, Чироқчи туманидаги «Чиял» қишлоқ участка шифохонасида кўрсатилаётган тиббий хизматдан ҳудуддаги аҳоли мамнун бўлмоқда. Бу ерда ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш, даволаш-профилактика ишларини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган аниқ дастур ишлаб чиқилган. Ҳозирда участкада 35 нафар тажрибали шифокорлар, 50 га яқин ўрта тиббиёт ходимлари эл саломатлиги йўлида самарали фаолият кўрсатишмоқда.

- Туман марказий шифохонаси мутахассислари кўмагида шифокорларимиз жойларда оила маданиятини ошириш, экстрагентал касалликлари бўлган туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғилажак болани ҳомила давридан бошлаб назоратга олиш, аёлларни пухта тиббий кўрикдан ўтказиш соҳасида иш олиб боришмоқда, - дейди участка шифохонаси бош шифокори Намоз Бобонов.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида албатта замонавий, жаҳон андозаларига мос, беморларга юқори малакали хизмат кўрсатадиган шифохоналар бўлиши табиий ҳолдир. Шунинг учун ҳам бу ерда жорий йилнинг апрел ойида барча қулайликларга эга бўлган 15 ўринли даволаш бўлими ишга туширилди. Ҳудуди катталиги ва аҳоли сони кўплиги жиҳатдан туманда етакчи ўринда турадиган «Чиял»да бундай хайрли ишларнинг амалга оширилаётгани эътиборга моликдир.

Бундан руҳланган участка шифокорлари ҳам ўз бурчларини сидқидилдан адо этмоқдалар. Бунда шифокорлар Р. Бозоров, Н. Ҳасанова ва Г. Раззоқоваларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Мақсад эса аниқ - соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал ривожланган шахсларни шакллантиришдир.

**А.АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири**

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон андозалари даражасига кўтариш ва аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида стандартлаштириш ва метрология хизмати муҳим аҳамият касб этади.

# СИФАТ-БОШ МЕЗОН

Ишлаб чиқарилаётган ва истеъмолчига етказиб берилаётган ҳар қандай маҳсулот стандартлаш ва метрология маркази текширувидан ўтказилиши шарт. Маҳсулот ҳар жиҳатдан давлат стандартларига мос келсагина, у истеъмолчига таклиф этилади. Юртимизда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар стандартлаш ва метрологик хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини оширишни тақозо этмоқда.

Бу борада Жиззах вилояти Синов ва сертификатлаш марказида кўпгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, марказда янги лаборатория ишга туширилди. Лабораторияни мослаштириш ва таъмирлаш учун икки миллион сўм миқдорида маблағ сарф этилди. Шунингдек, ўн миллион сўмлик замонавий ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди. Марказда 225 хилдаги қишлоқ хўжалик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини синаш ва сертификатлаш имкони яратилди. Марказда жорий йилдан ҳамкорлар ёрдамида паст кучланишли электр ускуналарини синовдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда марказ мутахассислари озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотларида қўлланиладиган дастгоҳларни сертификатлаштириш бўйича аккредитацияни кенгайтиришни режалаштиришмоқда. Бундан ташқари, автомобиллардан чиқадиган чиқинди газларни ўлчаш бўйича газ анализаторларни олиб туриб, синов лабораторияларда фойдаланиш йўлга қўйилади.

Марказ имкониятларининг кенгайиши маҳсулот учун вилоятнинг ўзида сертификат олиш истагида бўлган тадбиркорларга қулайлик яратиш билан бирга аҳолига сифатли товарларни етказишда муҳим омил бўлади.

**"Туркистон-пресс"**

*«Ишонч» фош этади*

# «ҚЎЛБОЛА БЕНЗИН»

***Соатмурод машинасини ғизиллатиб ҳайдаб келаётган эди. Автомобил манзилнинг ярмига етар-етмас катта йўлда тақа-тақ тўхтаб қолди. Ҳайдовчи капотни кўтариб моторни роса титкилади. Барибир машина ўз ўрнидан қўзғалмади. Охири тортиб кетишга тўғри келди.***

– Қўлбола бензинни ишлатган экансиз, – деди таъмирловчи уста двигателни синчиклаб кўздан кечирар экан.

Қашқадарё вилоятида давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган ёқилғи-мойлаш материаллари савдоси билан шуғулланиб, истеъмолчиларга катта зиён келтираётган бензинфурушлар анчагина.

Яқинда кажавали мотоциклларни ким ўзарга қувиб келаётган уч оғайни ботирлар солиқчилар эътиборини тортди. Анча югур-югурлардан сўнг улар чегара постида тўхтатилди.

– Йўл бўлсин?

– Туркманистон томонларни томоша қилиб келаётган эдик.

«Пойгачи»ларнинг нимадандир ташвишланаётганлиги солиқ хизмати ходимларида шубҳа уйғотди. Транспорт воситалари кўздан кечирилганда, Қизилча қишлоғида яшовчи Ш.Хонимов, У.Кўчаров ва Р.Хушвақтовларнинг ҳар бири махсус боғламалар ўрнатилган мотоциклларда қўшни давлатдан айланма йўллар орқали бензин олиб келаётганликлари маълум бўлди. Олибсотарлар жиноятига яраша жазоланди.

Туман марказидаги катта йўлдан ўтган киши хонадонлар олдида полиэтилен қопларда бензин сотилаётганлигининг устидан чиқади. Конденсат аралаштирилган бу ёқилғилар давлат стандартлари талабларига мос эмас. Уни ишлатган машиналар двигателларини таъмирлаш ва насосларини алмаштиришга тўғри келади. Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ўтказилган рейд натижасида сохта тадбиркорлар аниқланди.

Мониторинг ва текширишлар жараёнида 17 кишидан 7 минг 80 литр бензин ва бир ҳолатда 800 литр дизел ёқилғиси ашёвий далил сифатида олиниб, ҳуқуқбузарларга нисбатан қонуний choралар кўрилди.

Деҳқонобод қўрғонида яшовчи Баҳром Ёқубов 2500, Фахриддин Бозоров 700, Хўжаипок қишлоғида истиқомат қилувчи Панжи Кўчкелдиев 850, Бибиқорасоч қишлоғилик Маматқобил Қорақулов 400, Яккабоғ туманидан Бойназар Бердиев 600 литр бензинни сотиш мақсадида қўшни Туркманистон республикасидан олиб келаётганда қўлга тушдилар.

«Қовун-қовунни кўриб ранг олади» деганларидек А.Тўлашев, Ш.Расулов, Э.Шерназаров, О.Хўжақулов, Т.Боккаев, Р.Шоматов, У.Кўчаров каби ўн бешдан ортиқ қўлбола бензин сотаётган қонунбузарлар ҳам қўлга олиниб, тегишли миқдорда жарима тўладилар.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Самарқандда вилоят суд ижрочилари учун иқтисодий жиноятларнинг олдини олишга ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимоясига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда асосий эътибор сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, алкогол, тамаки ва бошқа маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ҳамда контрабанда йўли билан олиб келинган маҳсулотлар бўйича қонунчилик ҳужжатлари мажмуасига қаратилди.

Семинарда ноқонуний ва сифатсиз маҳсулотларни амалдаги тартиб бўйича мусодара этиш, уларнинг давлат ихтиёрига ўтказилиши аниқ мисолларда кўриб чиқилди.

**"Туркистон-пресс"**

# ҚИЗИЛТЕПАЛИКЛАР ЗАФАРИ

Қизилтепа тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш шартнома мажбуриятини ошириб бажарди. 26 минг 240 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектарига 28,1 центнерни ташкил этди. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга топширилди.

# ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Вобкент тумани деҳқонлари давлатга 35400 тоннадан зиёд пахта топшириб, йиллик шартнома мажбуриятини уддалади. Туманда ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 34 центнерни ташкил қилди.

Охунбобоев, Навоий, «Хайробод», «Зарбдор» ширкат хўжаликлари, «Рашид Омон», «Эсан Зокиров», «Фахри нур», «Асадбек» фермер хўжаликларида ҳосилдорлик туман кўрсаткичидан ҳам анча юқори бўлди.

**(ЎзА)**

